



ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ҒУҚАРОЛАР ИШТИРОКИНИНГ АҲАМИЯТИ

Орипов Темурмалик Бахтиёр ўғли*

ИИВ Академияси ўқитувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8086863>

ARTICLE INFO

Received: 17th June 2023

Accepted: 26th June 2023

Online: 27th June 2023

KEY WORDS

Ҳуқуқбузарликлар,
профилактика, ғуқаролар,
қонун, норма.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ғуқаролар иштирокининг аҳамияти ҳақида сўз боради. Бундан ташқари мақолада ушбу мавзу бўйича ҳуқуқшнос олимлар фикр ва мулоҳазалари муҳокама қилиниб, муаллиф томонидан тақлиф-тавсиялар берилган.

Ҳар қандай жамиятнинг муҳим қисми ҳисобланган ғуқаролар давлатнинг равнақи ва ривожланиши, унинг тинчлиги ва осойишталигини сақлашда асосий ролни ўйнайди. Бу қадимдан ўз исботини топган ва бугунги кунда амал қилиниши лозим бўлган қоидага айланган.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий маънавий озодлик, инсон такомилли, адолатли жамият қуришнинг бирдан-бир шарти одамларни эзгуликка чорлаш, ғоявий жиҳатдан вояга етказиш деб билган ва бу ҳақда шундай деб ёзган: “Инсон бахт-саодат нималигини тушунган бўлса-ю, унга эришишни мақсад қилиб олмаса, ғоя ва хоҳишига айлантормаган бўлса, унга нисбатан озгина бўлса-да, шавқ ва завқ сезмаса, истак ва мулоҳазасини, куч ва қувватини бошқа нарсаларга сарфласа бу қилмишлари ёмон ва ноўринлидир”¹.

Албатта қайси мамлакатда ғуқароларнинг фаровон ҳаёти таъминланар экан, шу давлатда ривожланиш бўлади. Ғуқаронинг фаровонлиги эса унинг юртига бўлган меҳрини янада оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Хабарингиз бор, бу йил мамлакатимиз аҳолиси 33 миллион кишидан ошди. Бу, албатта, кичкина рақам эмас. Шунинг учун ҳам, ғуқароларимизнинг ижтимоий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, жумладан, улар учун муносиб шароит яратиш, ёшларни ўқитиш ва касбга тайёрлаш, иш ва уй-жойлар билан таъминлаш каби ҳаётини масалаларни ҳал этишимиз лозим. Конституциямизда ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

¹ Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри”. –Т.: Абдулла қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 188 б.



эга экани мустақамлаб қўйилган. Бу муҳим ҳаётий қондининг ижросини таъминлаш – халқимиз генофондини асраш ёки оддий қилиб айтганда, давлат ва жамият тараққиётининг кафолатидир, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз”², - деб таъкидлаб, фуқароларимизни ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий қўллаб қувватлаш муҳим аҳмият касб этишини кўрсатиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги, унга қандай асосларга эга бўлганликдан қатъий назар, ҳамма учун тенгдир. Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айна вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади. Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади”³, - деб белгилаб қўйилган.

Юқоридаги Конституциявий нормадан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида ягона фуқаролик белгиланган бўлиб, фуқароларнинг тенгилиги принципи муҳим аҳамият касб этади ва Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари бир ҳилдир.

Конституциянинг 7-бобида фуқароларнинг “Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар” (24-31-моддалар), 8-боби “Сиёсий ҳуқуқлари” (32-35-моддалар), 9-боби “Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар” (36-42-моддалар), 10-боби “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари” (43-46-моддалар) белгиланган бўлса 1-бобида фуқароларнинг бурчлари белгилаб берилган.

Жумладан, Конституциянинг 47-моддасида “Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар”, -деб белгиланган бўлиб, бу фуқароларнинг давлат ва жамият олдидаги бурчларини бажаришлари шартлигини кўрсатади, 48-моддасида “Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар”⁴, - деб белгиланганлиги уларнинг қонунларга қатъий риоя этишлари, амал қилишлари лозимлигини белгилаб беради, 49-моддасида “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий, меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданий ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир”, - деб белгиланиши фуқароларнинг тарихий обидалар, маънавий ва маданий меросни авайлаб асраш билан бир қаторда уларни ҳимоя қилишга ҳам мажбур эканликларини, 50-моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”, деб белгиланиши табиатни асраш балки уни ҳимоя қилиш ва ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишга мажбурликларини белгилаб беради, 52-моддасида “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар”, -

² Шавкат Мирзиёев. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси//. Постда. №71 (4327) – 2018. – 8 дек. – Б. 1-5.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси., “Ўзбекистон”., Т.: 2019.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси., “Ўзбекистон”., Т.: 2019 47-48-моддалар..



деб белгиланган норма фуқароларнинг диний экстремизм ва терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, уюшган жиноятчилик ва бошқа кўринишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш бурчи эканлигини белгилаб беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни билан фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича иштироки ва асосий вазифалари белгилаб берилди.

Жумладан, Қонуннинг 21-моддасида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки”⁵, - деб белгилаб берилди.

Қонундан келиб чиқиб, фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар қуйидагича иштирок этиши мумкин:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларга жамият учун ҳавfli бўлган терроризм ва экстремизм, одам савдоси, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси каби жиноятлар ҳақида хабарлар етказиб беришлари орқали бу иллатларнинг вақтида олдини олиш имконини яратишлари;
- шахс, жамият ва давлат манфаатларини ғайриҳуқуқий тажовузлардан ҳимоя қилиш;
- жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, улар ҳақида ўзаро ахборотлар алмашиш;
- кенг кўламдаги назорат ишларини амалга ошириш, ўз навбатида “ўз уйингни ўзинг асра” деган сўзга амал қилган ҳолда фуқаролардан кўнгиллилари билан биргаликдаги ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларга ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишда яқиндан ёрдам бериш;
- маъмурий ҳудудда содир этилган жиноятларни аниқлаш ва фош этиш чораларини кўришда ахборотлар алмашиш;
- жиноят содир этиб суд ва тергов органларидан яшириниб юрган, бедарак йўқолган шахслар, ахлоқ тузатиш ишлари тариқасида жазодан бўйин товлаб юрган маҳкумларни қидириб топиш, шахси ноаниқ мурдаларни шахсини аниқлаш;
- ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш ишларида иштирок этиш;
- фавқулодда ҳодисалар оқибатларини бартараф этишда иштирок этиш.

Шуни алоҳида такидлаб ўтиш жоизки, фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги фаол иштирки ва унинг ижобий натижалари бўйича уларни

⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.



рағбатлантириш ҳамда бу жараёнда уларнинг фаоллигини ошириш механизмлари ҳам ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 15-сонли Қарорида бу борадаги қоидалар аниқ белгилаб берилган.

Хусусан, қарорда қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда фуқаролар ва жамоат ташкилотлари рағбатлантирилиши мумкин:

қасддан содир этилиши режалаштирилаётган ёки содир этилаётган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиши ёхуд тўхтатиши;

тайёргарлик кўрилаётган жиноят ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши натижасида жиноят содир этилишининг олди олиниши;

қасддан содир этилаётган жиноятни тўхтатиши ва уни тўлиқ қош этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиши;

қош этилмаган жиноят бўйича уни қош этишга кўмаклашувчи далилларни аниқлаши ёки уни содир этган шахслар ёхуд уларнинг қаерда эканлиги ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши натижасида жиноятнинг қош этилиши;

қонун ҳужжатларига мувофиқ қидирув эълон қилинган шахснинг яширинган манзили ҳақида хабар бериши, уни ушлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиши;

бедарак йўқолган шахс ҳақида берган маълумоти асосида унинг аниқланиши;

аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги тарғибот-ташвиқот тадбирларида фаол иштирок этиши ва уни бевосита амалга ошириши;

жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш борасида таклиф ва ташаббусларни амалга жорий этиши⁶.

Фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги фаол иштироки учун рағбатлантириш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар ваколати доирасида амалга оширади.

Шуни эътироф этиш лозимки, фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштирокида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар, хусусан, ички ишлар органлари билан бевосита ҳамкорлик қилади ва бу ҳамкорликнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- имкониятларнинг кенглиги;
- ахборот манбаларининг кўплиги;
- ўз уйингни ўзинг асра деган сўзга қатъий амал қилган ҳолда уларни ҳуқуқбузарликларни олдини олишга жалб этилишининг лозимлиги;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар иштирокини фаоллаштиришнинг шартлиги;

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 15-сонли Қарори.



- фуқароларга ҳуқуқбузарликларнинг салбий оқибатларини тушунтириб ўтишнинг лозимлиги ва бошқалар.

Демак, фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштирокини фаоллаштириш ва уларнинг ролини ошириш муҳим аҳамият касб этади, бу борада эса қуйидаги тадбирларни кенг қўламда амалга ошириш лозим:

биринчидан, муҳим аҳамият касб этадиган ва жамият учун ҳавфли бўлган ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олишдаги иштироки учун фуқароларнинг моддий рағбатлантириш миқдорларини энг кам иш ҳақининг 300 % гача этиб белгилаш;

иккинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фаол иштирок этган 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролар учун ички ишлар органларига хизматга киришлари ёки ички ишлар ва мудофаа вазирлиги тизимига кирувчи олий ўқув юртларига имтиёзли равишда ўқишга киришлари учун тавсияномалар берилишини ташкил этиш.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир фуқаро шу юрт равнақи, тинчлиги ва осойишталиги учун чин кўнгилдан ўз ҳиссасини қўшиши, мамлакат тинчлиги ва осойишталигини сақлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига яқиндан ёрдам бериши Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлашга хизмат қилади.

References:

1. Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри”. –Т.: Абдулла қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 188 б.
2. *Шавкат Мирзиёев*. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир// Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси//. Постда. №71 (4327) – 2018. – 8 дек. – Б. 1-5.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси., “Ўзбекистон”, Т.: 2023.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 15-сонли Қарори.